



2526 № 01.11.2024

Объектнинг Янгийул тумани ичимлик сув тармоқларига уланишини лойиҳалаштириш учун

ТЕХНИК ТАКЛИФЛАР

Ариза рақами:	157326760
Ариза санаси:	31.10.2024 12:26
Телефон рақами:	+998-97-000-03-07
Буюртмачи:	"MEGA TRADE LUX" MCHJ
Объект номи:	Кўп қаватли хонадон
Манзили:	Янгийул тумани, Туябўғиз МФЙ, Бунёдкор кўчаси 2-уй
Суткасига:	351,0 м ³ / ичимлик сувининг сарфи
Суткасига:	0,0 м ³ / оқова сувининг ташланиши
Ёнғинга қарши эҳтиёж учун секундига:	30 л/с

Ичимлик суви таъминоти бўйича:

1. Уланиш нуқтаси Янгийул тумани, Туябўғиз МФЙ, Бунёдкор кўчаси худудидаги Д-1000 мм.ли ичимлик сув қуври жойлашган яқин колодецга "Тошкент вилояти сув таъминоти" АЖ Янгийул тумани филиали масбул ходимлари билан келишилган ҳолда уланиш ишлари амалга оширилсин.

2. Берилган "Техник шарт" га асосан лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилсин.

3. Ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари "Тошкент вилояти сув таъминоти" АЖ билан келишилган ҳолатда Давлат экспертиза хулосаси олиш учун киритилсин.

4. Мавжуд қувурдаги эркин босим 6-7 атм кўрсатилди.

5. Ичимлик сув учун ётқизиладиган қувурнинг Д-150 мм.ли (полиэтилен) ва чуқурлиги 0,7-1 метрдан кам бўлмаслиги тавсия қилинади.

6. Уланиш нуқтасидан қурилиш бўлаётган объектгача бўлган масофа узунлиги L=лоийҳага кўра аниқланади.

7. Қувурни уланиш жойига жумрак (кран), 1 дона темир-бетон назорат кудуғини (1x1x1,5) ўрнатиш лозим, ҚМҚ га асосан.

8. Электрон ичимлик сув ҳисоблагич Д-150 мм.ли мансублик чегарасига қўйиш талаб этилади.

9. Ичимлик сув ҳисоблагичдан олдин филтр ҳамда олдин ва кейин сув ёпгич (вентил) Д-150 мм.ли қўйилиши талаб этилади.

10. Ичимлик сувидан дарахтларни ва томорқани суғориш, асфалтга сув сепиш қатъиян тақиқланади. (Полив деревьев и садов из питьевой воды в дневное время строго запрещен). Акс холда Вазирлар Маҳкамасининг 2014-йил 15-июлдаги 194-сонли қарори 87-банд "б" кичик банди бўйича чора кўрилади.

Оқова сув (канализация) хизмати бўйича:

1. Янгийўл туман Туябўғиз МФЙ, Бунёдкор кўчаси худудида оқова сув қувурлари мавжуд эмаслигини инобатга олган ҳолда қурилиши режалаштирилган илмий марказга яқин худуддан локал оқова сув тозалаш иншооти қуриш тавсия этилади. (қуввати лойиҳага асосан);

2. Оқова сув тармоғи тортиш (диаметри ва узунлиги лойиҳага асосан);

3. Назорат кудуқлари ўрнатиш (лойиҳага асосан);

Алоҳида шартлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014-йил 15-июлдаги 194-сонли қарорининг 2-илоvasи, 11-банди а) ва б) бандларига асосан фойдаланиш чегараси ҳисобланиб, бунга истеъмолчи жавобгар саналади. Ички ичимлик сув тармоғидаги носозликларини “Истеъмолчи” ўз маблағи ва кучи билан бартараф этади.

2. Ичимлик ва оқова сув қувурларига уланишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 194-сон қарори “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш” қоидаларининг Х-боб 123, 124, 125, 126-бандларига асосан амалга оширилсин.

3. Қурилиш ишлари шаҳар “Ободонлаштириш”, Автомобил йўлларида фойдаланиш УК, “ЎзТелеком бўлими”, “Газ участкаси” ва Электр тармоқлари корхоналари билан келишилган ҳолда тегишли рухсатномалар олган ҳолатда амалга ошириш тавсия этилади

4. Техник шартда белгиланган вазифалар аниқ бажирилиши ва уланиш ишлари корхона масъул ходимлари билан амалга ошириш лозим.

5. Техник шарт, план, схема, шартномасиз ичимлик ва оқова сув хизматларидан фойдаланишга асос бўла олмайди.

6. Истеъмол қилинадиган ичимлик сув ва оқова сув хизматлари учун “Тошкент вилояти сув таъминоти” АЖ “Абанентлар бўлими” билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 194-сон қарори “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш” қоидаларининг III-боб 18-бандига асосан шартнома (10 иш кунида) тузилсин.

Техник шарт берилган кундан бошлаб объектни ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тармоқларига уланиш ишлари икки йил муддат ичида амалга оширилмаса, “Техник шарт” ўз кучини йўқотади.

Техник шартлар қурилиш учун асос бўла олмайди.

Филиал бош инженери:



А.Мирзаабдулаев

Ижрочи: ИЧТБ